ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

**2018 ЙИЛ**
**ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

Тошкент – 2019

# СЎЗ БОШИ

Тошкент шаҳрининг статистик ахборотномаси – Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Тошкент шаҳрининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, ташқи иқтисодий алоқа, саноат, инвестиция ва қурилиш, транспорт, товар ва хизматлар бозори, демография ва меҳнат бозорларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

**Қисқартма ва шартли белгилар**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЯҲМ | – | ялпи худудий маҳсулот | л. | – | литр |
| %. | – | фоиз | 0,0 | – | катта бўлмаган миқдор |
| млрд. | – | миллиард | м. | – | марта |
| млн. | – | миллион | – | – | кўрсаткичнинг йўқлиги |
| млн.АҚШ долл. | – | миллион АҚШ доллари | га. | – | гектар |
| кв. | – | квадрат | тн. | – | тонна |
| км. | – | километр | 1), 2), 3)...... | – | изоҳнинг мавжудлиги |
| м. | – | метр | | | |

# МУНДАРИЖА


| Номи | бет. |
|---|---|
| **АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР** | 10 |
| **I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ** | **11-14** |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш | 11 |
| ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари | 12 |
| Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби | 13 |
| Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби | 14 |
| **II. САНОАТ** | **15-27** |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби | 15-17 |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми | 18-23 |
| Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми | 23 |
| Ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши | 24 |
| Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш | 24 |
| Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбати | 24 |
| Ҳудудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши | 25 |
| Ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш  суръатлари | 25-26 |
| Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси | 26 |
| Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши | 27 |
| **III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ** | **28-40** |
| Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари | 28 |
| Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши | 29 |
| Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши | 29-31 |
| Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий  фаолият турлари бўйича таркиби | 31-32 |

| Номи | бет. |
|---|---|
| Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби | 33 |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар | 33-34 |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби | 35 |
| Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар | 35-38 |
| Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши | 39 |
| Қурилиш ишлари | 39 |
| Туманлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати | 39 |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилганқурилиш ишлари | 40 |
| **IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)** | **41-46** |
| Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши | 41 |
| Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати | 42 |
| Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати | 43 |
| Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати | 44 |
| Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар ва асосий тармоқлар бўйича улуши | 45 |
| Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни тармоқлар кесимида баҳолаш | 46 |
| **V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ** | **47-54** |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича йирик тижорат ташкилотларининг якуний молиявий натижалари | 47 |
| Йирик тижорат ташкилотларининг ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари | 48 |
| Зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари | 49 |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари | 50 |
| Зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий | 51 |

| Номи | бет. |
|---|---|
| фаолият турлари бўйича улиши | |
| Ҳудудлар кесимида зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари | 52 |
| Йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати | 52 |
| Йирик тижорат корхоналарида иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби | 53 |
| Йирик тижорат корхоналарида иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби | 54 |
| **VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ** | **55-64** |
| Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши | **55** |
| Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши | 56 |
| Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича ҳудудларга тақсимланиши | 57 |
| Корхона ва ташкилотлар сони | 58 |
| Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони | 59 |
| Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши | 60 |
| Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони | 61 |
| Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнииқтисодий фаолият турлари бўйича улуши | 62 |
| Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнингиқтисодий фаолият турлари бўйича улуши | 63 |
| Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши | 64 |
| **VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ** | **65-70** |
| Чакана савдо товар айланмаси таркиби | **65** |
| Ҳудудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши | **66** |
| Ҳудудларнинг умумий овқатланишдаги улуши | **67** |
| Чакана савдо товар айланмаси | **68** |

| Номи | бет. |
| --- | --- |
| Ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмаси улуши | **69** |
| Улгуржи савдо товар айланмаси | **70** |
| **VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР** | **71-76** |
| Ташқи савдо айланмаси | **71** |
| МДҲ ва бошқа давлатларнинг Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасидаги улуши | **72** |
| Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши | **72** |
| Ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар | **73** |
| Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар ҳажми | **74** |
| Экспорт ва импорт таркиби | **75** |
| Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби | **76** |
| Товар ва хизматларнинг импорт таркиби | **76** |
| **IX. ТРАНСПОРТ** | **77-78** |
| Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми | 77 |
| Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчиайланмаси | 78 |
| **X. ХИЗМАТЛАР** | **79-95** |
| Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши | 79 |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларининг хажми | 80 |
| Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби | 81 |
| Савдо хизматларнинг ҳажми | 82-84 |
| Транспорт хизматларининг таркиби | 84-87 |
| Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари | 87 |
| Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби | 88-91 |
| Молиявий хизматлар ва унинг таркиби | 91-93 |
| Хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши | 94 |

| Номи | бет. |
|---|---|
| Туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари | 95 |
| **XI. ДЕМОГРАФИЯ ВА БАНДЛИК** | **96** |
| Туманлар бўйича доимий аҳоли сони | 96 |
| Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши | 97 |
| Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари ва коэффициентлари | 98 |
| Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари | 98 |
| Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши | 99 |
| Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралишлар коэффициентлари | 100 |
| Никоҳ ва ажримлар сони | 101-102 |
| Аҳоли миграцияси | 103-104 |
| Маъмурий-ҳудудий бўлинмалар | 105 |

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
## 2018 йил январь-декабрь ойлари

| | *млрд. сўм* | *2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|
| **Ялпи худудий маҳсулот** | **53287,1** | **108,1** |
| Саноат маҳсулоти | 42600,9 | 109,9 |
| Истеъмол товарлари | 19927,5 | 111,8 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 21861,5 | 114,7 |
| Қурилиш ишлари | 8765,1 | 110,6 |
| Юк айланмаси *(млн. тн-км)* | 1565,4 | 98,0 |
| Йўловчи айланмаси *(млн. йўловчи-км)* | 11056,1 | 103,3 |
| Чакана товар айланмаси | 29499,6 | 105,4 |
| Хизматлар, жами | 48361,8 | 110,6 |
| **Ташқи савдо айланмsаси *(млн. АҚШ долл.)*** | **9738,4** | **115,4** |
| Экспорт | 2870,3 | 105,8 |
| Импорт | 6868,1 | 119,9 |
| Сальдо (+;-) | -3997,8 | х |

# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрида Тошкент шаҳрини ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 53287,1 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 108,1 фоизга тенг бўлди.

**Январь-декабрь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш**

| | *млрд.сўм* | | *2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| | *2017 йил* | *2018 йил* | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **40720,4** | **53287,1** | **108,1** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 36451,1 | 47912,2 | 108,1 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 4269,3 | 5374,9 | 108,2 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **36451,1** | **47912,2** | **108,1** |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 14812,1 | 21248,4 | 107,0 |
| Саноат | 12079,9 | 17389,5 | 106,2 |
| Қурилиш | 2732,2 | 3858,9 | 110,6 |
| Хизматлар | 21639,0 | 26663,8 | 108,8 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 7065,6 | 8794,0 | 105,1 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 5967,1 | 7237,0 | 114,6 |
| Бошқа хизматлар | 8606,3 | 10632,8 | 107,9 |

Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш сурати – 106,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши-36,3 %), қурилиш – 110,6 % (8,1 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 105,1 % (18,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 114,6 % (15,1 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 107,9 % (22,1 %) ни ташкил этди.

**ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда**
*(2018 йил январь-декабрь ойларида)*



## Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби январь-декабрь ойларига

*(жамига нисбатан фоизда)*




2018 йил январь-декабрь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 18,4 % ни (2017 йил январь-декабрда 19,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 15,1 % ни (2017 йил январь-декабрда 16,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 22,1 % ни (2017 йил январь-декабрда 23,6 %) ташкил этди.

## Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби, январь-декабрь ойларида

*(жамига нисбатан фоизда)*

**2017 йил**




**2018 йил**




Тошкент шаҳрииктисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 89,6 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 10,1 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 44,4 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 55,6 % ни ташкил этди.

## II. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 42600,9 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,9 % ни ташкил этди.

Ҳисобот йилида 19927,5 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-декабрига нисбатан 111,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 6106,8 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 13186,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-декабрига нисбатан мос равишда 110,6 фоиз ва 112,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 % га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг 2,9 мартага, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 3,8 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 2,3 % га ўсиши ҳисобланди.

**2018 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)**



## Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар хажми 38737,8 млрд. сўмни ва ўтган йилига нисбатан 108,0 % ўсиш суръатини ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,4 % га , мебел ишлаб чиқариш 11,1 % га камайган бўлса, тамаки маҳсулотлари ҳажми 2,0 % баробарига , текстил маҳсулотлари 16,1 % га, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари 7,6 % га, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш 88,7 % га ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 4,9 % ни, ўрта-юқори технологияли 23,8 %, ўрта-қуйи технологияли 34,9 % , қуйи технологияли 36,4 % ни ташкил этди.

### Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда



## Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-декабрь ойида Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 1349,5 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 2,9 марта ўсганлигини кўрсатади.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича табиий газ ва хом нефт қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига 3,8 марта, бошқа тоғ-кон саноати фаолияти эса 6,6 % га ошганини кузатиш мумкин.

## Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1607,1 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 3,8 % ни ) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,8 % га кўпайган.

## Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 906,6 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 2,1% ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2018 йил январь-декабрь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,3 % га кўпайган.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми

*(2018 йил январь-декабрь ойларида)*

| | *млрд. сўм* | *ўсиш суръати, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|
| **Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** | **42600,9** | **109,9** |
| **Тоғ- кон саноати ва очиқ конларниишлаш** | **1349,5** | **2,9 м** |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| *улардан:* | | |
| Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш | 1163,8 | 3,8 м |
| **Қайта ишлаш саноати** | **38737,8** | **108,0** |
| *шундан:* | | |
| Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6882,9 | 106,5 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 3231,7 | 116,6 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш | 2096,9 | 101,8 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 1203,5 | 101,7 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 133,1 | 110,8 |
| Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 3974,3 | 110,5 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 1054,1 | 107,6 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 2049,3 | 113,2 |
| Металлургия саноати | 5007,0 | 86,0 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар  ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 1690,6 | 95,5 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 1607,1 | 103,8 |
| Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 906,5 | 102,3 |

| | *млрд. сўм* | *ўсиш суръати, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|
| **Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш** | **19927,5** | **111,8** |
| *шу жумладан:* | | |
| озиқ-овқат товарлари | 6106,8 | 110,6 |
| ноозиқ-овқат товарлари | 13186,4 | 112,5 |

Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий 2018 йилнинг 4-чорагида 42600,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,9 % ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 8573,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб умумий хажмга нисбатан 20,1 % ташкил этсада, нодавлат секторида 34027,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий хажмга нисбатан 79,9 % ташкил этди.

**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ва нодавлат секторларида фоиз ҳисобида**



Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг 4-чорагида 42600,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,9 % ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти 2,9 мартага, қайта ишлаш саноати 108,0 % ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 103,8 % ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш билан бўйича хизматлар 102,3 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

*(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)*



## Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотитурларини ишлаб чиқариш ҳажми

*(йирик корхоналар бўйича)*

| | *Ўлчов бирлиги* | *2018 йил январь-декабрь* | *2017 й январь-декабрига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| **Тоғ- кон саноати ва очиқ конларниишлаш** | | | |
| Чақиқ тош (шебень) | *Тн* | 368946,1 | 123,4 |
| **Қайта ишлаш саноати** | | | |
| Темирдан ёки легирланмаган пўлатдан болғаланган, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, кейин бошқа ишлов берилмаган бошқа чивиқлар ва стерженлар, жумладан прокаткадан кейин калаваларга ўралган чивиқлар | *Тн* | 13300 | 62,6 |
| Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлган (юқори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари | *Тн* | 2042 | 116,0 |
| Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар | *Тн* | 149121 | 57,3 |
| Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти | *минг.л* | 13959 | 102,6 |
| Арок | *минг.л спирт* | 16211,7 | 111,5 |
| Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари | *минг. л спирт* | 380,7 | 101,1 |
| Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари) | *минг. л* | 41472,6 | 104,8 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | *минг.тн* | 200581,0 | 99,1 |

| | Ўлчов бирлиги | 2018 йил январь-декабрь | 2017 й январь-декабрига нисбатан % да |
|---|---|---|---|
| Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка) | *Тн* | 1963,0 | 55,5 |
| Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари) | *Тн* | 5762 | 72,4 |
| Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип | *Тн* | 10865 | 105,0 |
| Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар | *Тн* | 11500 | 104,2 |
| Иш кийими | *минг дона* | - | - |
| Китоблар, география хариталар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари, репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, откриткаларни босиб чиқариш бўйича хизматлар | *минг. сўм* | 203635,6 | 153,4 |
| Газеталарни босиб чиқариш бўйича хизматлар | *минг. сўм* | 37054,8 | 107,4 |
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | | | |
| Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) | *минг Гкал.* | 10182,5 | 103,7 |

## Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 13,5 % улушини), Мирзо Улуғбек тумани (11,5 %), Олмазор тумани (10,5%), Шайхонтоҳур тумани (10,1%), Миробод тумани (10,1%), Сергели тумани (9,2 %), туманлари ҳиссасига тўғри келади.

### Ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши,фоизда

*(январь-декабрь)*




Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Тошкент шаҳри ва туманларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини туманлараро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, худудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 42 600,9 млрд.сўмни ташкил этиб, Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти

хажми аҳоли жон бошига 17 123,9 минг.сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,0 % га етказилганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек шаҳарда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 8 010,1 млрд.сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,8 % га етди

## Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (111,8 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 52,1 % ни ташкил этди.

### Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда

*(январь-декабрь)*




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6 106,7 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 30,6 %, ноозиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 13186,4 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 66,2 %, алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш 634,4 млрд.сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 3,2 % ташкил этди.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Миробод (5,4 %), Юнусобод (6,6%), Яккасарой (7,0 %) туманларига тўғри келади.

## Ҳудудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоизда




## Ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари, фоизда

*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан)*



## Ҳудудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш  суръатлари, фоизда

*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан)*




Бунда Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш  суратлари Миробод тумани (117,6 %)да, шунингдек Яккасарой тумани (115,3 %) ва Сергели (112,0 %)  туманларида кузатилмоқда.

Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш  суратлари Бектемир тумани (118,2 %) , Яшнобод тумани (116,9%)  ва Юнусобод туманларида (113,3) кузатилган.

## Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш таъминланди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,1% ошиши таъминланди. Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-декабрь ойида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши  – 72,9 % ни ташкил этган.

## Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда

*(январь-декабрь)*

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Учтепа тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши (91,2 %), Олмазор (90,6 %), Яккасарой (89,8 %) ва Юнусобод (85,7 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Шайхонтоҳур (53,5 %), Мирзо Улуғбек (43,5 %), Миробод (42,6 %) туманларида кузатилди.

### 2018-йил январь-декабрь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда



# III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

Жорий йилнинг январь–декабрь ойларида Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 21861,5 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 114,7 % ни ташкил қилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суратлари, фоизда**
*(январь-декабрь)*




Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Сергели тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 67,2 %и ўзлаштирилди.

Шунингдек, Яккасарой тумани жами инвестициялар ҳажмидан 8,9 %ни, Чилонзор тумани 8,5 % ни ташкил этмоқда.

Юнусобод ва Шайхонтохур туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 7,4 ва 7,3 % ни ташкил этди.

Олмазор ҳамда Учтепа туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг шаҳардаги улуши 4,8% ва 3,5%ни ташкил этди.

## Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

*(январь-декабрь)*

| | *Млрд.сўм* | *Ўсиш суръати, % да* | *Жамига нисбатан улуши, % да* |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга инвестициялар** | **21 861,5** | **114,7** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| **Марказлашган инвестициялар:** | **3830,1** | **120,7** | **17,5** |
| бюджет маблағлари | 1065,0 | 76,9 | 4,9 |
| Давлат мақсадли жамғармалари | 640,9 | 102,1 | 2,9 |
| Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 1881,2 | 382,1 | 8,6 |
| Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар | 243,0 | 36,3 | 1,1 |
| **Марказлашмаган инвестициялар:** | **18031,4** | **113,5** | **82,5** |
| корхона маблағи | 8949,6 | 111,0 | 40,9 |
| аҳоли маблағи | 1258,1 | 71,7 | 5,8 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 3510,3 | 124,6 | 16,1 |
| тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 4313,4 | 138,1 | 19,7 |

## Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда






Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 120,7 % ёки 3830,1 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 17,5 га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 18031,4 млрд. сўм ёки 113,5 % (жами инвестициялардаги улуши 82,5 %).

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари**




Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1881,2 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,8 мартага кўпайди.

**Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан лойиҳаларга ўзлаштирилган инвестициялар:**

Метрополитеннинг 52,1 км кувватга эга бўлган ер усти халқа линияси қурилиши;

Аэропортнинг янги халқаро йўловчилар терминалининг қурилиши;

Тошкент шаҳри кўчаларининг ёритиш тизимида энергия самарадорлик технологияларини қўллаш.

## Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари




Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 40,9 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (19,7 %) ҳисобига тўғри келди.

## Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибижамига нисбатан, фоизда

*(январь-декабрь)*



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида саноат етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 5407,7 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 25,8 %и ўзлаштирилган.

Саноат тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури қуйидагилар:

- Машинасозлик мажмуаси 1157,7 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 5,6 %);
- Озиқ-овқат саноати 1481,5 млрд.сўм (6,8 %);
- Кимёвий ва нефткимёвий саноати 545,0 млрд.сўм (2,5 %).

Ундан кейинги ўринда уй-жой қурилиши тармоғи 3031,8 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 13,9 %и ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби**




Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Тошкент шаҳри бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 42,4 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 53,4 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 4,2 % ни ташкил этди.

## Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби

*(январь-декабрь)*

| | *Жами* | *Давлат* | *Нодавлат* |
|---|---|---|---|
| **Жами,** ***млрд. сўм*** | **21861,5** | **4801,4** | **17060,1** |
| *шу жумладан жамига нисбатан % да:* | | | |
| Қурилиш – монтаж ишлари | 42,3 | 43,0 | 42,1 |
| Машина, ускуна, инвентар | 52,8 | 47,6 | 54,2 |
| Бошқа харажатлар | 4,9 | 9,3 | 3,7 |

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар

*(январь-декабрь)*

| | *Млрд.сўм* | *Жамига нисбатан улуши, % да* | |
|---|---|---|---|
| | | *2017й.* | *2018й.* |
| **Асосий капиталга инвестициялар - жами** | **21861,5** | **100,0** | **100,0** |
| *Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:* | | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 143,6 | 0,5 | 0,7 |
| Тоғ - кон саноати | 52,1 | 0,3 | 0,2 |
| Ишлаб чиқариш саноати | 5162,2 | 19,4 | 23,6 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 146,7 | 0,7 | 0,7 |
| сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 455,2 | 0,3 | 2,1 |
| қурилиш | 834,4 | 5,3 | 3,8 |
| улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 1680,6 | 8,9 | 7,7 |
| Ташиш ва сақлаш | 3781,4 | 9,4 | 17,3 |

| | Млрд.сўм | Жамига нисбатан улуши, % да | |
|---|---|---|---|
| | | 2017й. | 2018й. |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 199,3 | 0,9 | 0,9 |
| Ахборот ва алоқа | 599,1 | 12,1 | 2,7 |
| Молия ва суғурта фаолияти | 770,9 | 3,9 | 3,5 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 756,1 | 4,0 | 3,5 |
| таълим | 310,1 | 3,4 | 1,4 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 773,1 | 4,9 | 3,5 |
| Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар | 3031,7 | 13,5 | 13,9 |
| Бошқа фаолият турлари | 3165,0 | 12,5 | 14,5 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 52,1 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 0,2%), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 13,2 млрд.сўм, ишлаб чиқариш саноатида 5162,2 млрд.сўм (23,6%), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 1482,4 млрд.сўм (6,8%), текстил маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш фаолияти турида 316,9 млрд.сўм (1,4%), кимё махсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 137,9 млрд.сўм (0,6%), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 893,9 млрд.сўм (4,1%), металлургия саноатида 268,1 млрд.сўм (1,2%), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 146,7 млрд.сўм, (0,7%), қурилиш фаолияти турида 834,4 млрд.сўм (3,8%), ташиш ва сақлаш фаолият турида 3781,4 млрд. сўм (17,3%), улгуржи ва чакана савдо,моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 1680,6 млрд.сўм (7,7%), ахборот ва алоқа фаолият турида 599,1 млрд сўм (2,7%), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 756,1 млрд. сўм (3,5%), таълим соҳасида 310,1 млрд.сўм (1,4%), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 3031,7 млрд.сўм (13,9%) инвестициялар ўзлаштирилди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби,фоизда

*(январь-декабрь)*




## Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йилнинг январь-декабрида 3 753,3 млрд.сўм ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 107,7 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 17,2 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Юнусобод туманида 33,3 % , Чилонзор туманида 23,2 %, Учтепа туманида 8,6 % ва Миробод туманида 8,5 % кузатилди.

## Тошкент шаҳрида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар

*(январь-декабрь)*

*(млрд.сўм)*

| | *Жами инвестиция ва кредитлар* | *шу жумладан:* | | *Тўғридан-тўғри ва бошқа инвестиция ва кредитлар* | *шу жумладан:* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *инвестиция* | *кредит* | | *инвестиция* | *кредит* |
| **Тошкент ш.** | **3 753,3** | **2 311,1** | **1 442,2** | **3 510,3** | **2 311,1** | **1 199,2** |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Бектемир | 28,2 | 14,1 | 14,1 | 14,1 | 14,1 | 0,0 |
| Мирзо Улуғбек | 137,7 | 137,7 | 0,0 | 137,7 | 137,7 | 0,0 |
| Миробод | 318,0 | 74,5 | 243,5 | 318,0 | 74,5 | 243,5 |
| Олмазор | 30,0 | 26,2 | 3,8 | 30,0 | 26,2 | 3,8 |
| Сергели | 271,5 | 2,1 | 269,4 | 271,5 | 2,1 | 269,4 |
| Учтепа | 321,0 | 108,4 | 212,6 | 108,4 | 108,4 | 0,0 |
| Чилонзор | 869,2 | 863,9 | 5,3 | 867,3 | 863,9 | 3,4 |
| Шайхонтохур | 249,8 | 249,8 | 0,0 | 249,8 | 249,8 | 0,0 |
| Юнусобод | 1 248,7 | 609,5 | 639,2 | 1 248,7 | 609,5 | 639,2 |
| Яккасарой | 173,2 | 120,7 | 52,5 | 158,8 | 120,7 | 38,1 |
| Яшнобод | 106,0 | 104,2 | 1,8 | 106,0 | 104,2 | 1,8 |

## Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш

*( млн. АҚШ долл. )*




Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2018 йилнинг январь-декабрида 3510,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 124,6 % ни ташкил қилди.

## Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, фоизда




Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар энг кўп ўзлаштирилди: ишлаб чиқариш саноати фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 28,5 % ини ташкил этиб, 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 14,9 % пунктга, мос равишда дам олиш ва кўнгил очиш масканларига 22,7 % ни ташкил этиб (22,5 % пунктга) ташиш ва сақлаш 14,4 % ни ташкил этиб (14,0 % пунктга), сув билан таъминлаш, канализация фаолиятида 5,7 % (0,7 % пунктга) кўпайди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар: ахборот ва алоқа фаолият тури 5,7 % ни ташкил этиб (46,3 % пунктга), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 4,3 % (9,4 % пунктга), улгуржи ва чакана савдо 3,7 % (1,7 % пунктга) камайди.

## Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 431,3 минг кв.м, бўлган 1648 та турар жой объекти янги қурилиб ишга туширилган.

Ишга туширилган турар жойларнинг ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи Юнусобод туманида ишга туширилган 95,1 минг кв.м. ва у шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 22,1 %ини ташкил этди. Кейинги ўринларда Сергели, Яшнобод туманлари эгаллаган бўлиб, шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 19,8 % ва 11,4 %ини ташкил этишган.

## Қурилиш ишлари

Жорий йилнинг январь-декабрида 8765,1 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 110,6 % қурилиш ишлари бажарилди.

### Туманлар кесимида қурилиш ишларининг ўсиш суръати

*(январь-декабрь)*




Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Шайхонтоҳур туманида 113,5 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 0,2% пунктга кўпайди, мос равишда, Чилонзор туманида 113,1 % (0,8 % пункт), Мирзо Улуғбек туманида 111,6 %, Миробод туманида 111,3 % ни ташкил этди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 8309,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,8 фоизни (2017 йил январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 111,4 фоизни) ташкил қилди.

## Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
*(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)*




## Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари
*( млрд. сўм)*




Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 59,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 20,8 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 19,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 68,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

# IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг январь-декабрида 12071 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,7 % кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (жамига нисбатан-28,2 %), саноат тармоғида (18,8 %), қурилиш тармоғида (11,9 %), яшаш ва овқатланишда (8,6 %), информация ва алоқа (5,3 %) ташкил этилган.

**2018 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда**




2018 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 31051,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 72,9 %ни) ёки 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 110,6 %ни ташкил қилди;

– 11430,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 52,3 %ни) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 116,2 %ни ташкил қилди;

– 6308,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,0 %) ва 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 113 % ни ташкил қилди;

– 24179,9 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар хажмининг 50,0 %) 2017 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати 106,9 % ни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 75,5 % ёки 22270,4 млрд. сўми (ўсиш суръати 1,9 % ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 692,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 24,1 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилга нисбатан 166,3 млн. АҚШ долларига ёки 31,6 % га кўп;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 5,7 %га (жами автомобил транспорти юк айланмасининг 68,8 %) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 3,1 % га (умумий йўловчи айланмасининг 77,7 %) кўпайиши тъминланди;

## Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши

*(умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда)*

Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Олмазор тумани (4453,3 млрд.сўм), Яшнобод тумани (3832,7 млрд.сўм), Сергели тумани (3569,7 млрд.сўм) ва Чилонзор тумани (3392,3 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Бектемир туманида (2282,0 млрд.сўм), Яккасарой (1816,4 млрд.сўм) ва Мирообод туманида (1343,4 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

## 2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш хажми ва ўсиш суръати



**2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Учтепа тумани (3466,0 млрд.сўм), Бектемир (3427,5 млрд.сўм), Чилонзор (3376,5 млрд.сўм), Шайҳонтоҳур (2809 млрд.сўм) ва Юнусобод (2776,6 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

## 2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати




Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Юнусобод туманида (2937,2 млрд.сўм), Шайҳонтоҳур (2899,1 млрд.сўм), Мирзо-Улуғбек (2696,7 млрд.сўм), Чилонзор (2644,2 млрд.сўм) ва Миробод (2433,4 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

## 2018 йил январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда

| | *Саноат* | *Қурилиш* | *Ҳизматлар* |
|---|---|---|---|
| **Тошкент шаҳри** | **72,9** | **72,0** | **50,0** |
| *туманлар:* | | | |
| Бектемир | 67,4 | 25,9 | 96,7 |
| Мирзо-Улуғбек | 46,2 | 64,9 | 55,4 |

| | *Саноат* | *Қурилиш* | *Хизматлар* |
|---|---|---|---|
| Миробод | 45,2 | 40,9 | 32,6 |
| Олмазор | 91,4 | 96,6 | 73,1 |
| Сергели | 86,2 | 99,2 | 45,5 |
| Учтепа | 91,1 | 91,2 | 85,2 |
| Чилонзор | 83,0 | 80,8 | 57,2 |
| Шайхонтохур | 56,2 | 42,2 | 57,0 |
| Юнусобод | 87,1 | 77,1 | 33,2 |
| Яккасарой | 90,2 | 98,3 | 66,9 |
| Яшнобод | 71,0 | 97,6 | 39,8 |

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Олмазор туманида (91,4 %), Учтепа туманида (91,1 %), Яккасарой туманида (90,2 %),Юнусобод туманида (87,1 %), Сергели туманида (86,2 %) ва Чилонзор туманида (83,0 %) ташкил этади.

Қурилишда Сергели (99,2 %), Яккасарой (98,2 %), Яшнобод (97,6 %), Олмазор (96,6 %) ва Учтепа (91,2) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Бектемир (96,7 %), Учтепа (85,2 %) ва Олмазор (73,1 %) туманлари ташкил этади.

2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 63,4 % ни ташкил қилди (2017 йилнинг январь-декабрида 64,2 %). ЯҲМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 йил 4-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 367 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 9,1 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 59,1 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 18,2 % ва 53,5 %, хизматлар соҳасида – 12,4 % ва 68,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 0,0 % ва 50,0 %, саноатда – 11,4 % ва 61,4 %ни ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда–27,1%, қурилишда –31,8 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида –50,0 %, хизматларда – 19,6% ва савдода – 28,3 %ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш**
**2018 йил IV-чорак учун, фоизда**




**Иқтисодий вазият яқин уч ойда** қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яхшиланиш 100 %, ўзгаришсиз 0,0 %, ёмонлашиш 0,0 %, саноат корхоналари яхшиланиши 54,3 %, ўзгаришсиз 38,6 %и, ёмонлашиш эса 7,1 % ни, савдо – яхшиланиш 58,6 %, ўзгаришсиз 33,3 %, ёмонлашиш 8,1 %, хизматларда яхшиланиш 53,6 %, ўзгаришсиз 39,2 %, ёмонлашиш 7,2 %, ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 56,8 %, ўзгаришсиз 36,4 %, ёмонлашиш 6,8 % кутилмоқда.

**Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда**




Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.

# V.КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ[1)]

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2018 йилнинг январ-ноябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида йирик тижорат корхона ва ташкилотлар томонидан 6876,7 млрд. сўм. миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2017 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 8266,7 млрд. сўмга кўпайган.

## 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича йирик тижорат ташкилотларининг якуний молиявий натижалари

| | *Фойда, зарар (-), млрд. сўм* | *2017 йилнинг январь-августига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| **Жами** | **6876,7** | **-** |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 4,3 | 112,7 |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 1260,2 | - |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | -227,1 | 137,9 |
| Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 4,6 | 103,3 |
| Қурилиш | 63,3 | 85,8 |
| Савдо | 628,7 | 207,6 |
| Ташиш ва сақлаш | 2684,5 | - |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 28,4 | 105,8 |
| Ахборот ва алоқа | 851,7 | - |
| Молиявий ва суғурта фаолияти | 109,0 | 121,5 |
| Кўчмас мулк билан операциялар | 74,8 | 161,0 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 159,8 | 134,3 |
| Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | 75,4 | 85,8 |

| | *Фойда, зарар (-), млрд. сўм* | *2017 йилнинг январь-августига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот | 1197,6 | 107,1 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 9,9 | - |
| Таълим | 22,6 | - |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | -71,0 | 280,6 |
| Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | -0,02 | - |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, йирик ташкилотларда кўрилган фойданинг асосий қисмини ташиш ва сақлаш йўналишидаги ташкилотлар ташкил этмоқда.

## Тошкент шаҳрида йирик тижорат ташкилотларининг январь-ноябрь ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари

| | *Фойда, зарар (-), млрд.сўм* | *2017 йилнинг январь-августига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| **Тошкент ш.** | **6876,7** | **-** |
| *туманлар:* | | |
| Бектемир | 129 | 12 м. |
| МирзоУлуғбек | 1255,4 | 141,7 |
| Миробод | 1804 | - |
| Олмазор | 103,5 | 101,9 |
| Сергели | 464 | 170,8 |
| Учтепа | 67,5 | 102,2 |
| Чилонзор | 288 | 101,9 |
| Шайхонтахур | 162,4 | 25 м. |
| Юнусобод | 931,8 | - |
| Яккасарой | 1562,5 | - |
| Яшнобод | 108,6 | 57,2 |

Тошкент шаҳрининг йирик тижорат ташкилотлари бўйича 6876,7 млрд. сўм, худудлар кесимида фойданинг асосий қисми –Миробод – 1804,0 млрд. сўм (26,2 %), Яккасарой – 1562,5 млрд. сўм (жами фойданинг 22,7 %), МирзоУлугбек – 1255,4 млрд. сўм (18,3 %) ва Юнусобод туманига – 931,8 млрд.сўм (13,6 ) тўғри келади.

**Зарарлар.** 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида 64 та йирик тижорат корхона ва ташкилотлар 469,1 млрд. сўм зарар кўрган.

Зарарнинг асосий қисми Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар – 209,7 млрд. сўм (Тошкент шаҳри бўйича жами зарарнинг 44,7 %), “Дори-Дармон” АЖ – 26,8 млрд. сўм (5,7 %), “Тошшаҳартрансхизмат” АК–26,5 млрд. сўм (5,6 %), “Ўзбекнефтегаз” АЖ–21,1 млрд.сўм (4,5 %).

**2018 йилнинг январь - ноябрида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**
*(жамига нисбатан фоизда)*



## 2018 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

| | *Корхоналар сони* | *Зарар суммаси* | |
|---|---|---|---|
| | | *млн.сўм* | *жамига нисбатан % да* |
| **Жами** | **64** | **469100,2** | **100,0** |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 6 | 26192,8 | 5,6 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 3 | 230516,9 | 49,1 |
| Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 1 | 8010,2 | 1,7 |
| Қурилиш | 1 | 493,8 | 0,1 |
| Савдо | 15 | 75963,2 | 16,2 |
| Ташиш ва сақлаш | 11 | 36241,6 | 7,7 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 3 | 266,3 | 0,1 |
| Ахборот ва алоқа | 4 | 15015,6 | 3,2 |
| Кўчмас мулк билан операциялар | 2 | 3598,2 | 0,8 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 3 | 1500,6 | 0,4 |
| Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | 4 | 101,1 | - |
| Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот | 1 | 16,0 | - |
| Таълим | 2 | 133,1 | - |

| | Корхоналар сони | Зарар суммаси | |
|---|---|---|---|
| | | млн.сўм | жамига нисбатан % да |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1 | 12,6 | - |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 6 | 71035,9 | 15,1 |
| Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 1 | 2,3 | - |

**2018 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

*(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)*



Зарарларнинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 230,5 млрд. сўм (жами зарарнинг 49,1 %), савдо – 76 млрд. сўм (16,2 %.), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш – 71,0 млрд. сўм (15,1 %), ташиш ва сақлаш – 36,2 млрд. сўм (7,7 %), ишлаб чиқарадиган саноат – 26,2 млрд. сўм (5,6 %).

## 2018 йилнинг январь-ноябрида ҳудудлар кесимида зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

| | *Корхоналар сони* | *Зарар кўрган корхоналарнинг улуши жамига нисбатан, % да* | *Зарар суммаси, млн.сўм* |
|---|---|---|---|
| **Тошкент шаҳри** | **64** | **100,0** | **469100,2** |
| *туманлар:* | | | |
| Бектемир | - | - | - |
| Мирзо Улуғбек | 3 | 5,9 | 27789,3 |
| Миробод | 14 | 16,1 | 75525,6 |
| Олмазор | 3 | 3,7 | 17157,1 |
| Сергели | 4 | 2,8 | 12904,9 |
| Учтепа | 5 | 1 | 4808,8 |
| Чилонзор | 7 | 1,5 | 6897,3 |
| Шайхантохур | 9 | 59,4 | 278843,9 |
| Юнусобод | 7 | 2,2 | 10497,8 |
| Яккасарой | 6 | 4,5 | 21256,6 |
| Яшнобод | 6 | 2,9 | 13418,9 |

**Тошкент шаҳрида йирик тижорат корхоналарида 2018 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

| | *Жами, млрд.сўм* | *ундан:* | | | *Муддати ўтган қарздор-ликнинг улуши, % да* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *харидор ва буюртма-чилар* | *етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар* | *ички идора вий* | |
| **Жами** | **598,5** | **152,6** | **11,6** | **421,3** | **1,4** |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 9,5 | 2,2 | 0,6 | - | - |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 491,5 | 70,2 | - | 421,3 | 1,1 |
| Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 41,0 | 41,0 | - | - | 0,1 |
| Қурилиш | 1,0 | 1,0 | - | - | - |
| Савдо | 8,9 | 1,6 | 3,7 | - | - |
| Ташиш ва сақлаш | 10,2 | 10,1 | 0,04 | - | - |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 20,6 | 10,6 | 7,2 | - | - |
| Бошқалар | 15,8 | 15,6 | - | - | 0.03 |

Иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларда ва идораларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолмоқда.

2018 йил 1 декабрь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 40644,0 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 1359,1 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 3,3 % ини ташкил этди.

**Тошкент шаҳрида йирик тижорат корхоналарида 2018 йил 1 декабрьҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

| | Жами, млрд. сўм | ундан: | | | | Муддати ўтган қарз-дорлик-нинг улуши, % да |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | етказиб берувчилар ва пудратчиларга | Бюджетга тўлов-лар | давлат мақсадли фонд-ларига тўловлар | ички идора-вий | |
| **Жами** | **1359,1** | **745,1** | **7,4** | **1,9** | **421,9** | **3,3** |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 322,9 | 175,8 | - | - | 0,6 | 0,8 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 903,0 | 481,7 | - | - | 421,3 | 2,2 |
| Савдо | 70,6 | 70,6 | - | - | - | 0,2 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 60,4 | 17,0 | 7,4 | 1,9 | - | 0,1 |
| Бошқалар | 2,2 | - | - | - | - | - |

2018 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларда ва идораларда муддати ўтган кредиторлик қарздорлик, муддати ўтган дебиторлик қарздорликдан 2,3 баробарга юқорилигича қолмоқда.

# IV.КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 71318 тани ташкил қилиб, шундан 69236 таси ёки 97,0 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 14515 та (20,4 фоизи), саноат 13760 та (19,3 фоизи), ва қурилиш 5578 та (7,8 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 5301 та (7,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади**

*(2019 йил 1 январь ҳолатига)*

| | *Рўйхатга олинганлар* | | *Фаолият кўрсатаётганлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *якунга нисбатан фоизда* | *бирлик* | *якунга нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **71318** | **100,0** | **69236** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 737 | 1,0 | 704 | 1,0 |
| Саноат | 13760 | 19,3 | 13427 | 19,4 |
| Қурилиш | 5578 | 7,8 | 5431 | 7,8 |
| Савдо | 14515 | 20,4 | 14107 | 20,4 |
| ташиш ва сақлаш | 3029 | 4,2 | 2960 | 4,3 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 5301 | 7,4 | 5080 | 7,3 |
| ахборот ва алоқа | 2775 | 3,9 | 2699 | 3,9 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1393 | 2,0 | 1367 | 2,0 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 24230 | 34,0 | 23461 | 33,9 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 95,8 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 13,8 фоизи хусусий корхоналар, 6,7 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 75,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади**

*( умумий сонига нисбатан фоизда)*




2018 йил январь-декабрда жами 12714 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 12071 та). Уларнинг асосий қисми Юнусобод (Тошкент шаҳри бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,8 фоиз), Чилонзор (12,3 фоиз), Мирзо Улуғбек (11,9 фоиз), Шайхонтоҳур (10,1 фоиз), Олмазор (10,0 фоиз), Миробод (9,1 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 17,9 фоизи саноат, 26,8 фоизи савдо ва 11,3 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 3632 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 873 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 24,0 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш**

*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бирликда*

| | *Жами, бирлик* | *давлат* | *нодавлат* | *шундан хусусий* |
|---|---|---|---|---|
| **Тошкент шаҳар бўйича:** | **71318** | **2959** | **68359** | **9871** |
| *туманлар:* | | | | |
| Бектемир | 1459 | 63 | 1396 | 188 |
| Мирзо Улуғбек | 8258 | 374 | 7884 | 1023 |
| Мирobod | 6159 | 289 | 5870 | 649 |
| Олмазор | 7280 | 298 | 6982 | 1367 |
| Сергели | 4173 | 163 | 4010 | 650 |
| Учтепа | 5984 | 221 | 5763 | 955 |
| Чилонзор | 9169 | 333 | 8836 | 1256 |
| Шайхонтохур | 7074 | 349 | 6725 | 992 |
| Юнусобод | 9824 | 416 | 9408 | 1313 |
| Яккасарой | 6537 | 185 | 6352 | 711 |
| Яшнобод | 5401 | 268 | 5133 | 767 |

## Корхона ва ташкилотлар сони

*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

*(бирликда)*

| | *2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган* | *2018 йил январь-декабрида* | |
|---|---|---|---|
| | | *ташкил топди* | *тугатилди* |
| **Тошкент шаҳар бўйича:** | **71318** | **12714** | **3632** |
| *туманлар:* | | | |
| Бектемир | 1459 | 257 | 67 |
| Мирзо Улуғбек | 8258 | 1521 | 516 |
| Миробод | 6159 | 1154 | 433 |
| Олмазор | 7280 | 1266 | 214 |
| Сергели | 4173 | 765 | 149 |
| Учтепа | 5984 | 1039 | 233 |
| Чилонзор | 9169 | 1559 | 404 |
| Шайхонтоҳур | 7074 | 1287 | 474 |
| Юнусобод | 9824 | 1753 | 388 |
| Яккасарой | 6537 | 1133 | 308 |
| Яшнобод | 5401 | 980 | 446 |

2018 йилнинг январь-декабрь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 1431 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 896 тага кўпайган ёки 2,7 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида– 271 та, Туркия Республикаси– 245 та, Қозоғистон Республикаси– 181 та, Хитой Халқ Республикаси- 160 та ва Корея Республикаси– 84 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2018 йилда Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони**

*(январь-декабрь ҳолатига)*

*(бирликда)*



***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги "Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.***

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотлани 2019 йил 1 январь ҳолатига кўрсак энг кўп саноатда 1295 та (27,4%), савдода 1282 та (27,1%) ҳамда бошқа фаолият турларида эса 1051 та (22,2%) ташкил қилган. Энг камлари эса қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 50 та (1,1%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 64 та (1,3%), ташиш ва сақлашда 154 та (3,3%), ахборот ва алоқада 194 та (4,1%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 242 та (5,1%) ва қурилишда 396 та (8,4%) ташкил қилган. Шундан кўриниб турибдики фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўгри келаркан. Шунингдек энг кам улуши эса қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоийхизматлар кўрсатиш фаолият турларига тўгри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**



## Оилавий корхоналар сони

Тошкент шаҳри бўйича жами юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 2288 тани ташкил этиб, улардан 2224 таси ёки 97,2 % фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатдан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонини ўртача 16,5 % га ошган.

### Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар

*бирликда*



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 43,8% ёки 975 таси саноат, 17,1% ёки 381 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 16,1% ёки 358 таси савдо, 2,4% ёки 54 таси қишлок ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,8% ёки 39 таси қурилиш, 1,7% ёки 35 таси ахборот ва алоқа, 0,9% ёки 19 таси ташиш ва сақлаш, 0,9% ёки 21 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 15,3% ёки 340 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**



## Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда




Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 59,9 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 13,9 мингтаси (23,3%) – савдода, 13,3 мингтаси (22,2%) - саноатда, 5,3 мингтаси (9,0%) - қурилишда, 5,0 мингтаси (8,4%) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 2,9 мингтаси (4,9%) – ташиш ва сақлашда, 2,6 мингтаси (4,4%) - ахборот ва алоқа соҳасида, 1,1 мингтаси (1,9%) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 0,6 мингтаси (1,1%) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, шунингдек 14,9 мингтаси (24,8%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**

*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*




Тошкент шаҳрида иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 20,4% савдо соҳасида, 19,4% саноат соҳасида, 7,8% қурилиш соҳасида, 7,3% яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 4,3% юк ташиш ва сақлаш, 3,9% ахборот ва алоқа, 2,0% соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 1,0% қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ва 33,9% бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

## IV.ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

Жорий йилнинг январь–декабрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 29499,6 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 % ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 17,8 % га ўсиб, 7229,1 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 24,5 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 6383,8 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 21,6 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 15886,6 млрд. сўми якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 % га ўсди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 53,9 % га тенг бўлди.

**Чакана савдо товар айланмаси (овқатланишни қўшган ҳолда)таркиби, фоизда**

*(2018 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)*



2018 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 177,0 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,6 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 29322,6 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,4 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмда катта улушга эга бўлган Чилонзор тумани 16,9%, Учтепа тумани 13,1%, Шайхонтохур тумани 12,2%, Бектемир тумани 12,0% ва Юнусобод 11,1% ни ташкил этган бўлса, Олмазор тумани 4,0%, Мирзо-Улубек 5,8% Яккасарой тумани 5,9% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Тошкент шаҳрида туманларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши,фоизда**




Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 1468,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 101,3 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 5,0 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Юнусобод тумани 20,0%, Сергели 11,6 %, Мирзо-Улуғбек 11,2 %, ташкил этган бўлса, Бектемир тумани  0,9 %, Учтепа тумани 5,1 % ва Яшнобод тумани 6,2 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда**




Овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 11,8 млн. сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бектемир тумани (104,7 млн. сўм),Чилонзор тумани (20,5 млн. сўм),Учтепа тумани (14,6 млн. сўм),Яккасарой тумани (14,7 млн.сўм) Миробод тумани ( 13,0 млн. сўм) кузатилди.

## Чакана товар айланмаси умумий (овқатланишни қўшган ҳолда)

*(2018 йил январь-декабрь)*

| | *Жами* | | *Аҳоли жон бошига* | |
|---|---|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *2017 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида* | *минг. сўм* | *2017 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида* |
| **Тошкент шаҳар бўйича** | **29499,6** | **105,4** | **11857,8** | **103,5** |
| *Туманлар*: | | | | |
| Бектемир | 3539,9 | 102 | 104746,1 | 99,1 |
| Мирзо Улуғбек | 1711,0 | 105,4 | 6350,5 | 104,1 |
| Миробод | 1770,0 | 107,2 | 13098,8 | 105,6 |
| Олмазор | 1180,0 | 100,4 | 3312,2 | 98,6 |
| Сергели | 1829,0 | 108,9 | 10252,5 | 105,7 |
| Учтепа | 3864,4 | 102,3 | 14629,6 | 100,7 |
| Чилонзор | 4985,4 | 116,4 | 20590,8 | 114,4 |
| Шайхонтохур | 3598,9 | 90,5 | 10767,2 | 88,8 |
| Юнусобод | 3274,5 | 108,3 | 9978,6 | 106,5 |
| Яккасарой | 1740,5 | 115,1 | 14757,2 | 113,7 |
| Яшнобод | 2006,0 | 110,2 | 8788,8 | 108,2 |

Жорий йилнинг январь–декабрида улгуржи савдо товар айланмаси 23742,6 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,4 % ни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсишига қарамасдан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 3,0 % га камайиши кузатилиб, ҳажми 5014,9 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Мирзо-Улуғбек тумани 16,8 %, Юнусобод тумани 12,7 %, Яккасарой тумани 12,2 %, ни ташкил этган бўлса, Бектемир тумани 1,3 %, Сергели тумани 5,8% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Тошкент шаҳрида ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда**




Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 2,6% га кўпайиб, 18727,6 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 78,8 %ни ташкил қилди.

## Улгуржи савдо товар айланмаси
*(январь-декабрь)*

| | *млрд.сўм* | *Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|
| **Тошкент шаҳри** | **23742,6** | **100,0** |
| *туманлар* | | |
| Бектемир | 306,3 | 1,3 |
| Мирзо-Улуғбек | 3997,6 | 16,8 |
| Миробод | 2030,7 | 8,6 |
| Олмазор | 2385,3 | 10,0 |
| Сергели | 1374,5 | 5,8 |
| Учтепа | 1464,1 | 6,2 |
| Чилонзор | 2626,9 | 11,1 |
| Шайхонтохур | 2142,4 | 9,0 |
| Юнусобод | 3022,3 | 12,7 |
| Яккасарой | 2899,2 | 12,2 |
| Яшнобод | 1493,3 | 6,3 |

# VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь–декабрида 9738,4 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт – 2870,3 млн. АҚШ долларни, импорт - 6868,1 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси минус 3997,8 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДҲ давлатлари билан минус 1569,9 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан минус 2427,9 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

**Тошкент шаҳрининг ташқи савдо айланмаси**

*(январь–декабрь)*

| | *млн. АҚШ доллари* | *2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан, % ҳисобида* | *Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Ташқи савдо айланмаси** | **9738,4** | **115,4** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 3780,8 | 127,2 | 38,8 |
| бошқа давлатлар | 5957,6 | 109,0 | 61,2 |
| **Экспорт** | **2870,3** | **105,8** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 1105,4 | 102,6 | 38,5 |
| бошқа давлатлар | 1764,9 | 108,0 | 61,5 |
| **Импорт** | **6868,1** | **119,9** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 2675,4 | 141,1 | 39,0 |
| бошқа давлатлар | 4192,7 | 109,4 | 61,0 |
| **Сальдо** | **-3997,8** | **х** | **х** |
| МДҲ давлатлари | -1569,9 | х | х |
| бошқа давлатлар | -2427,9 | х | х |

## МДҲ ва бошқа давлатларнинг Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасидаги улуши
*(январь-декабрь)*




Тошкент шаҳарининг 2018 йил январь-декабрь холатига ташқи савдо айланмасидаги улушининг 38,8 % МДҲ давлатларига туғри келади қолган 61,2 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу курсаткичлар 2017 йилда мос равишда 35,2 % МДҲ давлатларига туғри келган бўлса қолган 64,8 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Тошкент шаҳарнинг МДҲ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь-декабрь холатига 3780,8 млн АҚШ доллорни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 27,2 фоиз ўсиш кузатилган. Шундан экспорт 2,6 фоизга ўсган бўлса, импорт 41,1 фоизга ўсган.

МДҲ давлатлари орасида Россия, Қозоғистон, Украина, Тожикистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий хамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 35,8% ни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Туркия, Афғонистон, Германия, Латвия, Литва, Ҳиндистон ва АҚШ давлатлари ҳисобланади.

## Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар, фоизда

*(январь–декабрь)*




Тошкент шаҳарининг 2018 йил январь-декабрь ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Хитой (23,3 %), Россия (23,1 %), Қозоғистон (8,5 %), Туркия (4,9 %) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 59,8% ни ташкил қилади.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда хамкор давлатлар Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Афғонистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 72,5 % ни ташкил қилади, импортда эса хамкор давлатлар Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Германия, АҚШ давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 68,4 % ни ташкил қилади.

## Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар

*(январь–декабрда)*

*(млн. АҚШ доллари)*

| | Экспорт | Импорт | Товар айланмасидаги улуши, % ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Хитой | 797,4 | 1474,8 | 23,3 |
| Россия | 594,7 | 1653,9 | 23,1 |
| Афғонистон | 365,0 | 1,4 | 3,8 |
| Қозоғистон | 189,6 | 637,5 | 8,5 |
| Тожикистон | 133,5 | 47,9 | 1,9 |
| Туркия | 133,0 | 339,8 | 4,9 |
| Қирғизистон | 66,6 | 43,3 | 1,1 |
| Жанубий Корея | 59,4 | 210,0 | 2,8 |
| Буюк Британия | 43,0 | 52,3 | 1,0 |
| Украина | 38,8 | 181,6 | 2,3 |
| Германия | 35,3 | 341,8 | 3,9 |
| Туркманистон | 33,1 | 16,0 | 0,5 |
| Франция | 26,3 | 82,6 | 1,1 |
| АҚШ | 25,3 | 247,7 | 2,8 |

Тошкент шаҳрининг экспорт таркибида қарийб барча товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиши кузатилмоқда. Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 193,8 % фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари 146,9 % фоизга, энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари 113,7 % фоизга ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 35,1 % фоизни машина ва асбоб-ускуналар ва 20,6 % фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.

## Экспорт ва импорт таркиби

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида | | 2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2017 йил январь-декабрь | 2018 йил январь-декабрь | |
| **Экспорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **105,8** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 3,0 | 4,2 | 146,9 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 3,1 | 5,7 | 193,8 |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 5,4 | 5,8 | 113,7 |
| қора ва рангли металлар | 3,8 | 2,6 | 72,3 |
| машина ва ускуналар | 5,1 | 3,4 | 71,4 |
| хизматлар | 68,6 | 67,1 | 103,6 |
| бошқалар | 11,0 | 11,2 | 106,9 |
| **Импорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **119,9** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 12,3 | 12,2 | 118,9 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 22,7 | 20,6 | 108,4 |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 1,3 | 1,6 | 146,6 |
| қора ва рангли металлар | 15,5 | 11,3 | 87,3 |
| машина ва ускуналар | 29,5 | 35,1 | 143,0 |
| хизматлар | 7,6 | 6,8 | 106,8 |
| бошқалар | 11,1 | 12,4 | 134,3 |

## Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан, фоизда
*(январь-декабрь)*




## Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан,фоизда
*(диаграмманинг ташқи айланаси 2018 йил январь-декабрь, ички айланаси 2017 йил январь-декабрь)*



# VII. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 138,2 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,4 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1 565,4 млн.тн-км. бўлиб ва 98,0 фоиз ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми**

| | *2018 йил январь–декабрь* | *2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|
| Ташилган юк, млн. тн | 138,2 | 101,4 |
| *шу жумладан:* | | |
| автомобил транспортида | 138,2 | 101,4 |
| Юк айланмаси, млн. тн-км | 1 565,4 | 98,0 |
| *шу жумладан:* | | |
| автомобил транспортида | 1 565,4 | 98,0 |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2018 йил январь–декабрга нисбатан 101,3 фоизга кўпайди ва 227,8 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 14,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь–декабрида 14,1 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 1 252,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,3 фоизга кўпайиб, 11 056,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

### Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади

| | *2018 йил январь–декабрь* | *2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|
| Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши | 1 252,7 | 103,3 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 1 183,6 | 102,8 |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км | 11 056,1 | 103,3 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 10 552,3 | 102,9 |

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-декабрга нисбатан 102,1 фоизга кўпайди ва 6 433,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 61,0 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрида 61,4 фоиз).

# IX. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Хизматлар соҳасида 49 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,6 % га кўпайди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

**Хизматлар соҳасида барча фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, фоизда**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*






## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларнинг ҳажми

| | *Млрд.сўм* | *Ўсиш суръати, %* | *Жамига нисбатан %* |
|---|---|---|---|
| **Хизматлар – жами** | **48 361,8** | **110,6** | **100,0** |
| *шу жумладан асосий турлари бўйича:* | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари | 4 956,2 | 118,6 | 10,2 |
| молиявий хизматлар | 11 732,6 | 117,2 | 24,3 |
| транспорт хизматлари | 6 170,3 | 111,1 | 12,8 |
| шу жумладан: автотранспорт хизматлари | 3 642,0 | 102,7 | 7,5 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 1 930,2 | 105,0 | 4,0 |
| савдо хизматлари | 12 788,3 | 104,9 | 26,4 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар | 2 178,4 | 103,6 | 4,5 |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 2 309,1 | 104,4 | 4,8 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 812,0 | 116,6 | 1,7 |
| ижара хизматлари | 918,2 | 105,9 | 1,9 |
| компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар | 255,0 | 107,9 | 0,5 |
| шахсий хизматлар | 615,4 | 104,3 | 1,3 |
| меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 1 334,5 | 123,4 | 2,8 |
| бошқа хизматлар | 2 361,6 | 105,5 | 4,9 |

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (26,4 %), молиявий хизматлар (24,3 %), транспорт хизматлари (12,8 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (10,2 %) ташкил этади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар (0,5%) ҳамда шахсий хизматлар (1,3 %) эгаллади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби, фоизда**

*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари 26,4 % энг юқори улушни ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибида улгуржи савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улушни ташкил этади - 48,3 % .



## Туманлар кесимида савдо хизматларнинг ҳажми

| | *Жами* | | |
|---|---|---|---|
| | *млрд.сўм* | *2017 йил январь-декабрга нисбатан %* | *Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %* |
| **Тошкент шаҳри** | **12 788,3** | **104,9** | **100,0** |
| *туманлар:* | | | |
| Бектемир | 946,2 | 105,7 | 7,4 |
| Мирзо Улуғбек | 1288,0 | 112,6 | 10,1 |
| Миробод | 1122,0 | 94,7 | 8,8 |
| Олмазор | 743,3 | 98,3 | 5,8 |
| Сергели | 736,4 | 105,6 | 5,8 |
| Учтепа | 1342,3 | 104,0 | 10,5 |
| Чилонзор | 1896,1 | 105,0 | 14,8 |
| Шайхонтоҳур | 1394,0 | 105,6 | 10,9 |
| Юнусобод | 1203,7 | 108,1 | 9,4 |
| Яккасарой | 1127,6 | 109,2 | 8,8 |
| Яшнобод | 874,0 | 107,4 | 6,8 |
| Тумандан ташқари | 114,7 | 82,3 | 0,9 |

Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Мирзо Улуғбек (112,6 %), Яккасарой (109,2 %), Юнусобод (108,1 %), Яшнобод (107,4 %) ва Бектемир (105,7 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Мирobод (94,7 %), Олмазор (98,3 %), Учтепа (104,0 %) ва Чилонзор (105,0 %) туманларида қайд этилди.

**Савдо хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда**
*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича юқори улушга эга бўлган Чилонзор (14,8 %), Шайхонтоҳур (10,9 %), Учтепа (10,5 %), Мирзо Улуғбек (10,1 %) ва Юнусобод (9,4 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улушга Сергели (5,8 %), Олмазор (5,8 %), Яшнобод (6,8 %) ва Бектемир (7,4 %) туманларида қайд этилди.

## Транспорт хизматларининг таркиби, фоизда

*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Хизматлар таркибида транспорт хизматлари – 12,8 % улуш билан етакчилар қаторини эгаллайди. Юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва  кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 59,0 % билан устунликка эга.

## Туманлар кесимида транспорт хизматларнинг ҳажми

| | *Жами* | | |
|---|---|---|---|
| | *млрд.сўм* | *2017 йил январь-декабрга нисбатан %* | *Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %* |
| **Тошкент шаҳри** | **6 170,3** | **111,1** | **100,0** |
| *туманлар:* | | | |
| Бектемир | 180,1 | 98,2 | 2,9 |
| Мирзо Улуғбек | 498,9 | 101,3 | 8,1 |
| Миробод | 852,0 | 114,3 | 13,8 |
| Олмазор | 393,3 | 102,4 | 6,4 |
| Сергели | 1572,0 | 139,8 | 25,5 |
| Учтепа | 401,9 | 103,7 | 6,5 |
| Чилонзор | 422,8 | 100,6 | 6,9 |
| Шайхонтохур | 532,2 | 101,4 | 8,6 |
| Юнусобод | 575,3 | 103,8 | 9,3 |
| Яккасарой | 217,9 | 101,4 | 3,5 |
| Яшнобод | 523,9 | 100,5 | 8,5 |

Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Сергели (139,8 %), Миробод (114,3 %), Юнусобод (103,8 %), Учтепа (103,7 %) ва Олмазор (102,4 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Бектемир (98,2 %), Яшнобод (100,5 %), Чилонзор (100,6 %) ва Мирзо Улуғбек (101,3 %) туманларида қайд этилди.

**Транспорт хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда**
*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича юқори улуш Сергели (25,5 %), Миробод (13,8 %), Юнусобод (9,3 %) Шайхонтохур (8,6 %), ва Яшнобод (8,5 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Бектемир (2,9 %), Яккасарой (3,5 %), Олмазор (6,4 %) ва Учтепа (6,5 %) туманларида қайд этилди.

## Тошкент шаҳрида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, фоизда
*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қилади. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2018 йил январь–декабрь ойларида Тошкент шаҳри бўйича алоқава ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 4 956,2 млрд.сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь–декабрь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 18,6 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан январь–декабрь ойида ўсиш суръати (118,6 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (72,8 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.қ.) ҳисссасига тўғри келади.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, фоизда**
*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.

## Туманлар кесимида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларнинг ҳажми

| | *Жами* | | |
|---|---|---|---|
| | *млрд.сўм* | *2017 йил январь-декабрга нисбатан %* | *Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %* |
| **Тошкент шаҳри** | **4 956,2** | **118,6** | **100,0** |
| *туманлар:* | | | |
| Бектемир | 2,9 | 113,7 | 0,1 |
| Мирзо Улуғбек | 149,7 | 116,8 | 3,0 |
| Миробод | 1077,0 | 103,8 | 21,7 |
| Олмазор | 56,3 | 112,3 | 1,1 |
| Сергели | 9,4 | 108,1 | 0,2 |
| Учтепа | 42,6 | 112,2 | 0,9 |
| Чилонзор | 206,8 | 117,5 | 4,2 |
| Шайхонтохур | 401,9 | 129,9 | 8,1 |
| Юнусобод | 2383,5 | 132,0 | 48,1 |
| Яккасарой | 469,7 | 95,0 | 9,5 |
| Яшнобод | 156,4 | 121,1 | 3,1 |

Туманлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Юнусобод (132,0 %), Шайхонтохур (129,9 %), Яшнобод (121,1 %), Чилонзор (117,5 %) ва Мирзо Улуғбек (116,8 %) туманларида қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Яккасарой (95,0 %), Миробод (103,8 %), Сергели (108,1 %) ва Учтепа (112,2 %) туманларида қайд этилди.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларнинг умумийҳажмида туманларнинг улуши, фоизда**

*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*

| | |
|---|---|
| **Тошкент шаҳар** | **100,0** |
| Юнусобод тумани | 48,1 |
| Миробод тумани | 21,7 |
| Яккасарой тумани | 9,5 |
| Шайхонтохур тумани | 8,1 |
| Чилонзор тумани | 4,2 |
| Яшнобод тумани | 3,1 |
| Мирзо Улуғбек тумани | 3,0 |
| Олмазор тумани | 1,1 |
| Учтепа тумани | 0,9 |
| Сергели тумани | 0,2 |
| Бектемир тумани | 0,1 |

Туманлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича юқори улуш Юнусобод (48,1 %), Миробод (21,7 %), Яккасарой (9,5 %), Шайхонтохур (8,1 %) ва Чилонзор (4,2 %) туманларида қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Бектемир (0,1 %), Сергели (0,2 %), Учтепа (0,9 %) ва Олмазор (1,1 %) туманларида қайд этилди.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Натижада, 2018 йил январь–декабрь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 11 732,6 млрд.сўмга тенг бўлди, ўсиш 17,2 % ни ташкил этди.

**Ташкент шаҳрида ўтган йилнинг мос даврларига нисбатан молиявий хизматларнинг ўсиш суръатлари, фоизда**

*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*



**Молиявий хизматларнинг таркиби, фоизда**
*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (88,6 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 6,6 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 4,8 % ни ташкил этди.

## Туманлар кесимида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларнинг ҳажми

| | *Жами* | | | *Аҳоли жон бошига* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *млрд.сўм* | *2017 йил январь-декабрга нисбатан %* | *Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %* | *Минг сўм* | *2017 йил январь-декабрга нисбатан %* |
| **Тошкент шаҳри** | **48 361,8** | **110,6** | **100,0** | **19 439,6** | **108,7** |
| *туманлар:* | | | | | |
| Бектемир | 1 281,0 | 108,9 | 2,6 | 37 900,0 | 105,3 |
| Мирзо Улуғбек | 4 871,7 | 116,4 | 10,1 | 18 083,7 | 115,0 |
| Миробод | 7 455,7 | 111,7 | 15,4 | 55 186,6 | 110,3 |
| Олмазор | 2 409,8 | 105,2 | 5 | 6 763,4 | 103,3 |
| Сергели | 2 994,4 | 121,0 | 6,2 | 16 784,6 | 117,6 |
| Учтепа | 2 587,9 | 103,5 | 5,3 | 9 795,3 | 101,9 |
| Чилонзор | 4 621,4 | 108,7 | 9,6 | 19 089,1 | 106,7 |
| Шайхонтоҳур | 5 089,2 | 111,4 | 10,5 | 15 223,4 | 109,1 |
| Юнусобод | 8 856,0 | 113,9 | 18,3 | 26 991,7 | 111,9 |
| Яккасарой | 3 172,4 | 106,5 | 6,6 | 26 907,4 | 105,3 |
| Яшнобод | 4 716,9 | 114,7 | 9,8 | 20 669,9 | 112,9 |
| Тумандан ташқари | 305,4 | 91,3 | 0,6 | - | - |

Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Юнусобод (18,8 %), Миробод (15,0 %) ва Шайхонтоҳур (10,3 %) туманларда кузатилмоқда.

**Тошкент шаҳри бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда**

*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Бектемир (2,6 %), Олмазор (5,0 %) ва Учтепа (5,3 %) эгаллайди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Миробод туманида – 55,2 млн. сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,3 % ни ташкил этди.

## Туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати

*(2018 йил январь–декабрь ойлари учун)*




Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Олмазор (6,8 млн.сўм), Учтепа (9,8 млн.сўм), Шайхонтоҳур (10,7млн.сўм) туманларида кузатилди.

Туманлар ўртасида юқори ўсиш суръатлари Сергели (117,6 %), Мирзо Улуғбек (115,0 %), Яшнобод (112,9 %) ва Юнусобод (111,9 %) туманларда кузатилди.

# X. ДЕМОГРАФИК ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳрида доимий аҳолиси сони 2510,8 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 45,9 минг кишига ёки 1,9 % га ўсди.

**Тошкент шаҳри туманлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот**

*(2019 йил 1 январь ҳолатига)*

| | *Доимий аҳоли сони, минг киши* | | | *Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %* | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *Жами* | *шу жумладан:* | | *Жами* | *шу жумладан:* | |
| | | *шаҳар* | *қишлоқ* | | *шаҳар* | *қишлоқ* |
| **Тошкент шаҳри** | **2510,8** | **2510,8** | **x** | **101,9** | **101,9** | **x** |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Бектемир | 34,3 | 34,3 | x | 103,9 | 103,9 | x |
| Мирзо Улуғбек | 271,0 | 271,0 | x | 101,3 | 101,3 | x |
| Миробод | 136,3 | 136,3 | x | 101,3 | 101,3 | x |
| Олмазор | 359,4 | 359,4 | x | 101,9 | 101,9 | x |
| Сергели | 181,5 | 181,5 | x | 103,2 | 103,2 | x |
| Учтепа | 265,8 | 265,8 | x | 101,2 | 101,2 | x |
| Чилонзор | 244,2 | 244,2 | x | 102,0 | 102,0 | x |
| Шайхонтоҳур | 337,8 | 337,8 | x | 102,3 | 102,3 | x |
| Юнусобод | 330,8 | 330,8 | x | 101,8 | 101,8 | x |
| Яккасарой | 118,7 | 118,7 | x | 101,0 | 101,0 | x |
| Яшнобод | 231,0 | 231,0 | x | 101,9 | 101,9 | x |

Тошкент шаҳри туманлари кесимида 2019 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Олмазор туманида 359,4 минг кишини (шаҳар аҳоли сонидаги улуши 14,3 %), Шайхонтоҳур туманида 337,8 минг кишини (13,4 %), Юнусобод туманида 330,8 минг кишини (13,2 %) ва Мирзо Улуғбек туманида 271,0 минг кишини (10,9 %) ташкил этди.

**Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**

*( 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳри жами аҳолисига нисбатан, фоизда)*



## Тошкент шаҳрида аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари ва коэффициентлари
*(январь-декабрь)*

| *Кўрсаткичлар* | *Минг киши* | | *1000 аҳолига нисбатан* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2017 йил* | *2018 йил* | *2017 йил* | *2018 йил* |
| Туғилганлар | 43150 | 46281 | 17,7 | 18,6 |
| Ўлганлар | 16361 | 15755 | 6,7 | 6,3 |
| шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар | 740 | 581 | 17,1[1)] | 13,2[1)] |
| Никох, минг | 19147 | 18904 | 7,8 | 8,2 |
| Ажрим, минг | 3571 | 3927 | 1,5 | 1,7 |

**Туғилиш.** 2018 йил январь-декабрь ойларида 46,3 мингта бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига (17,7 минг бола) нисбатан 3,1 минг болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 18,6 промиллени ташкил этди.

### Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари
*( январь-декабрь, 1000 аҳолига, промилле)*



Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Бектемир (24,0 промилледан 26,2 промиллега), Миробод (14,9 промилледан 16,2 промиллега), Сергели (21,2 промилледан 22,5 промиллега), Учтепа (20,3 промилледан 21,6 промиллега), Олмазор (19,1 промилледан 20,2 промиллега), Мирзо Улуғбек (14,1 промилледан 14,9 промиллега) туманларида қайд этилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Бектемир (26,2 промилле) ва Сергели (22,5 промилле) туманларида кузатилди.

**Ўлим.** 2018 йил январь-декабрь ойларида ўлганлар сони 15,7 минг кишини ташкил этиб, 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан (16,4 минг киши) 0,6 минг кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 6,3 промиллени ташкил этди (2017 йил январь-декабрида - 6,7 промилле бўлган).

Ўлим коэффициенти Бектемир (7,5 дан 7,4 промиллега) Миробод (7,7 дан 7,6 промиллега), Учтепа (6,7 дан 6,6 промиллега), Шайхонтохур (4,9 дан 4,6 промиллега), Мирзо Улуғбек (7,5 дан 7,2 промиллега), Яшнобод (8,4 дан 7,9 промиллега) ва Чилонзор (6,8 дан 6,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим коэффициентининг паст даражаси Яккасарой (5,1 промилле), Олмазор (5,5 промилле) туманларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 61,8% қон айланиш тизими касалликларидан, 14,3% ўсимталардан, 4,5% бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,0% овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,3% нафас олиш аъзолари касалликларидан, 2,9% юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 7,2 % бошқа касалликлардан вафот этган.

### 2018 йилнинг январь-декабрда ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши

*(жами вафот этганларга нисбатан фоизда)*



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 0,6 минг нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффициенти 13,2 промиллени (2017 йил январь-декабрида – 17,0 промилле бўлган) ташкил этди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 59,5 % перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 18,8 % нафас олиш аъзолари касалликларидан, 10,8 % ва туғма аномалиялардан, 4,0 % юқумли ва паразитар касалликлардан, 1,2 % ва бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,7 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

**Никоҳ ва ажримлар.** 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 18,9 мингта никоҳ ва 3,9 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 8,2 промиллени (2017 йил январь-декабрида–7,8 промилле бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффициенти 1,7 промиллени (2017 йил январь-декабрида- 1,5 промилле бўлган) ташкил этди.

**Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралишлар коэффициентлари**

*(2018 йил январь-декабрь, 1000 аҳолига, промилле)*




Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Яккасарой (6,4 дан 7,1 промиллега), Миробод (6,7 дан 7,4 промиллега), Учтепа (8,3 дан 9,0промиллега), Чилонзор (7,7 дан 8,2 промиллега), ва Шайхонтохур (7,8 дан 8,2 промиллега) туманларида кузатилди.

## Никоҳ ва ажримлар сони

*(январь-декабрь)*

*(бирликда)*

| | *Никоҳлар* | | *Ажримлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2017 йил* | *2018 йил* | *2017 йил* | *2018 йил* |
| **Тошкент шаҳар** | **19147** | **18904** | **3571** | **3927** |
| *туманлар:* | | | | |
| Бектемир | 395 | 371 | 80 | 82 |
| Мирзо Улуғбек | 1877 | 1632 | 421 | 435 |
| Миробод | 895 | 936 | 207 | 259 |
| Олмазор | 2538 | 2594 | 412 | 450 |
| Сергели | 1790 | 1792 | 335 | 438 |
| Учтепа | 2162 | 2228 | 331 | 406 |
| Чилонзор | 1823 | 1800 | 341 | 394 |
| Шайхонтохур | 2567 | 2562 | 383 | 365 |
| Юнусобод | 2552 | 2509 | 493 | 509 |
| Яккасарой | 749 | 725 | 171 | 160 |
| Яшнобод | 1799 | 1755 | 397 | 429 |

## Туманлар кесимида 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида никоҳлар сони бўйича тақсимланиши




**Никоҳ.** Дастлабки маълумотларга кўра, туманлар бўйича энг юқори никоҳ тузиш даражаси 2594 та Олмазор, 2562 та Шайхонтохур ва 2509 та Юнусобод туманларига тўғри келади.

Туманлар бўйича энг кам никоҳ тузиш даражаси 371 та Бектемир, 725 та Яккасарой ва 936 Миробод туманларига тўғри келади.

## Туманлар кесимида 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида никоҳдан ажралишлар сони бўйича тақсимланиши



**Ажрим.** Дастлабки маълумотларга кўра, туманлар бўйича энг юқори никоҳдан ажралишлар даражаси 509 та Юнусобод, 450 та Олмазор ва 438 та Сергели туманларига тўғри келади.

Туманлар бўйича энг кам никоҳдан ажралишлар даражаси 82 та Бектемир, 160 та Яккасарой ва 259 та Миробод туманларига тўғри келади.

## Аҳоли миграцияси

*(январь-декабрь )*

*(минг киши)*

| | *Келиш* | | *Кетиш* | | *Миграция сальдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2017й.* | *2018й.* | *2017й.* | *2018й.* | *2017й.* | *2018й.* |
| **Тошкент шаҳар** | **24,6** | **25,5** | **10,6** | **10,2** | **14,0** | **15,3** |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Бектемир | 2,2 | 2,0 | 0,9 | 1,0 | 1,3 | 1,0 |
| Мирзо Улуғбек | 0,8 | 0,8 | 0,4 | 0,3 | 0,4 | 0,5 |
| Миробод | 3,5 | 2,6 | 1,4 | 1,5 | 2,1 | 1,1 |
| Олмазор | 3,0 | 3,2 | 1,6 | 1,5 | 1,4 | 1,7 |
| Сергели | 1,5 | 1,7 | 0,8 | 0,6 | 0,7 | 1,1 |
| Учтепа | 1,7 | 2,3 | 0,6 | 0,6 | 1,1 | 1,7 |
| Чилонзор | 2,2 | 2,3 | 0,8 | 0,9 | 1,4 | 1,4 |
| Шайхонтоҳур | 2,9 | 2,9 | 1,0 | 0,9 | 1,9 | 2,0 |
| Юнусобод | 1,0 | 1,0 | 0,5 | 0,4 | 0,5 | 0,6 |
| Яккасарой | 2,7 | 3,5 | 1,4 | 1,3 | 1,3 | 2,2 |
| Яшнобод | 3,1 | 3,2 | 1,2 | 1,2 | 1,9 | 2,0 |

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар бўйича кўчиб келганлар сони 25,5 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 10,2 минг кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция салъдоси плюс 15,3 минг кишини ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврида 14,0 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Яшнобод (плюс 2,2), Сергели (плюс 2,0), Чилонзор (плюс 2,0), Мирзо Улуғбек ва Шайхонтохур (плюс 1,7) туманларида қайд этилди.

**Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатлари тўғрисида маълумот**
*(2018 йил январь-декабрь, 1000 аҳолига, промилле)*

